



# Маҳалладош

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва "Тошкент оқшоми" саҳифаси

ТУНГИ соат 3. Кутилмаганда эшик тақиллади. Елкасига тўнни ташлаб эшикни очган Раҳимжон ака қоронғиликда тўрт боласи билан мўлтираб турган жувонни кўрди.

— Раҳимжон ака, эрим ичиб келиб бизни уйдан ҳайдади, ўлдирмаган деб қўрқатпти, — деди жувон йиғламсираб.

Маҳалла оқсоқоли юпун кийинган гўдакларга чопон, нимча каби иссиқ кийимлар кийгизиб, уларни уйга қайта олиб борди. Раҳимжон ака бориб кўрсаки, аҳвол ҳақиқатан ҳам чатоқ. Қўни-

лиш истаги пайдо бўлади. Уни яхши билган кишилардан бири шу маҳалла фуқароси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тўлаган Рустамовдир.

— Раҳим ака кўп нарсани уққан инсон, бор-йўғи беш синф маълумоти бор киши учун ҳаётнинг ўзи мактабхона бўлган, — дейди у. Ун беш ешидан бошлаб меҳнатга қўл урган йигит мана, ярим асрдан ортиқ вақт ўтса ҳамки, хотиржамлик нимадиганини билмайди. Унинг мақсади маҳаллани халқнинг асрлар ўтиб шаклланиб келатган анъана ва удувлари марказига, ҳақиқий фаровонлик масканига айлантиришдир.

— Одамларни бир ишга бошлаш учун етакчи дегани аввало уларга хизмат қилиб қўйган бўлиши керак, — дейди оқсоқолнинг ўзи. — У қандай етакчи, халқнинг оғирини енгил қилмай туриб, унга ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилса. Бугунги кунда бизнинг асосий вазифамиз халқнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, маънавий қадриятларимизни авлоддан авлодга ўтишида қўмаклашиш. Ахир қадимда ҳар бир маҳаллада ўзининг дастурхончиси, пашмакчиси, ўзининг ошпази, қассоби, домласи, ўзининг дояси бўлган. Бу ҳам қадриятнинг бир кўриниши эди. Уша даврлардан ҳам баъзи бир нарсаларни ўрганиш зиён қилмайди.

Ҳозирги кунгача оқсоқол раҳбарлигида маҳаллада кутубхона, тиббиёт-санитария пункти, клуб, сараторшоҳона, новойхона бунёд этилди. Туман ҳокимлигининг ердами билан ҳамкор кўчасидаги ташландиқ жойда омонат кассаси, мева-сабзавот дўкони ва миллий оёқ кийимлар дўкони қурилди.

Оқсоқол билан узоқ суҳбатлаша олмадик. Аҳолининг маҳаллада сув босими пастлиги, натижада сув танқислиги келиб чиқаётгани ҳақидаги шикоят бўйича у фаоллар билан бошлашиб мутасадди ташкилотга йўл олди.

Абдумалик АБДУРАҲМОҲОВ.

ЭЛ орасида "Маҳалла — ота-онани..." деган нақл бор. Чиндан ҳам шундай. Пойтахтимизнинг Қорақамчи 2/3 мавзесида "Умид" маҳалласи ташкил этилган, аҳоли турмушида катта ўзгаришлар рўй бера бошлади. Биз шу ҳақда маҳалла оқсоқоли Тоҳир Икромов билан суҳбатлашдик.

— Маҳалламиз 1993 йил декабрь ойида жамоа умум йиғилишида тасдиқдан ўтди, — деди Тоҳир ака. — Қўриб турибсиз, маҳалламиз жуда еш. Барчаимиз бошимиз

Эски маҳаллалар иш фаолиятини кўра кўп қаватли уйларда ташкил этилган янги маҳаллада албатта, анча-мунча қийинчиликлар учрайди. Бинобарин, бизнинг маҳаллада турли ерлардан қўчиб келган турли миллат вакиллари яшайдилар. Ҳар бир хонадон билан тил топишиб, уларнинг фикрларини бир-бирига жамлаб иш олиб бораёмиз. Биз асосан маҳалла аҳли бошини қозуштириб, одамлар ўртасидаги аҳиллик, тинчлик, биродарликни соғлашга ҳаракат қилиб келамиз.

— Тоҳир ака, маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Бу вазифага ҳам жиддий қараямиз. Ҳозирги кунда 23, 30, 31-уялар, 24, 25, 26, 27, 28-коттежлар аҳолиси иштирокида шу уялар атрофида кўмиб ташланган сув иншоотлари, ариқлар тозаланаяпти. Бунда айниқса 31-уяда яшовчи Анвар ака, Раҳман ака, Нураҳмад акаларнинг қўшаётган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлашим керак. Шунингдек айташ керакки, шу пайтгача мутасадди бўлган уй-жойдан фойдаланиш идораларининг ходимлари бу ишларга панжа орасидан қараб келганлар. Гарчанд ўз вазифалари учун машоарини кечиктирмай тўлиқ олиб турсалар ҳам, 29, 30, 31-уялар олдини тозалаш зарур фаррошлар олиб иш жойларида кўринмайдилар. Маҳалла аҳли бу ишларни ҳам дам олиш вақтлари ҳисобига ўзлари баҳармоқдалар. Бундай ҳолатдан ташқари турар жой ерталарини таъмирлаш ишлари ҳам ўлда-ўлда қолиб кетган. Аҳоли у ерда турсин, ҳатто маҳалла оқсоқоли ва унинг ўринбосарларининг талаблари ҳам 5-уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси раҳбарларининг қуруқ ваъдалардан нарига ўтмаслиги тўғрисида эътибордан четда қолмоқда.

— Келгусида қандай ишлар қилинади? — Ҳозирги кунда маҳалламизда озик-овқат дўкони, алоқа бўлими, омонат банкнинг филиали фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг ният 1994 йил мейбанида новойхона, сараторшоҳона ҳамда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи шохбозчаларни ташкил қилишдир. Кичик корхоналар очиб режамаи ҳам бор.

Суҳбатдош ТўЛКИН.

ХУРМАТЛИ Донубува! Ҳозир мактабда ўқибатган болаларимизнинг ёзи таътил даври. Улар бўш вақтларини мазмунли ва қўнғилиш ўтказишлари учун ота-оналар билан бирга маҳалла фаоллари ҳам жон куйдиришлари керак, деб ўйлайман. Бунинг учун ўғил-қизларимизни фойдали меҳнатга, турли хил хўнарамандчилик тўғрисидаги жалб қилиш, уларнинг маънавий оламни бойитишга интилоқ зарур. Албатта, ота-она бутун умри мобайнида фарзандига яхши тарбия беришга ҳаракат қилди. Лекин баъзан улар бил-биз билмай маънавий ҳаётимизга пусур етказадилар. Мана, биз мисол: Чорсу. Бозор йиғилари орасида китоб савдоси ҳам қизгин. Ранг-баранг китоблар қўлчиллигининг ҳавасини келтиради. Ҳар ким қўриб етганча сотиб олмақда. Мен ҳам Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар" китобини олмақчи бўлиб турганим. Ота-ўғилнинг суҳбати қўлғичига чалинди:

— Ада, ўқитишимиз Оллоер, Рабғузий китобларини кўрсангилар, олинган, деганди. Шу китобдан бор экан, олайлик.

— Сўра-чи, нархи қанча экан!

— Донобува даврасида

## КИТОБЛАР

томоша қилаётган бола ва чет эл-олимнинг бир ойлик машоарини бир кунда ўқимаган, лекин китоб олган, лекин ўқимаган китоб олган бермаган "бойвачча" ота ҳақида уйлаб қолдим. Нега ота ўз ўғлига китоб олиб беришга эгринди? Пулини аяйдими? Йўқ, у китоб маънавий оламимизни бойитишга маънавий эканлигини тан олмайди. Аксинча, "Китоб" ўғлининг кўп вақтини олади, унга берилиб кетса, савдо-сотик ишлари қилиб кетади. Ҳозирги кунда китобларимон бўлиш керак. Қуруқ китоб қорин тўйғазмайди", деган ақидига қўл бўлиб ўшайди. Мен буларни ўзим

•Хушхабарлар

## БЕРУНИЙЛИКЛАР ҲАҚИДА

### ДИПЛОМ ИШИ

ТОШКЕНТ Давлат университетининг талабаси Мухаббат Юсупова пойтахтимиздаги Беруний маҳалласининг тарихи тўғрисида диплом иши езиб туратди. Диккатга сазовор жойи шундаки, кўп изланишлар натижасида бундан 20 йил илгари улуг аллома таваллудига 1000 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган маҳалланинг тарихи, ўтган давр ичида жамоа томонидан амалга оширилган ибратли ишлар, ушбу масканда истиқомат қилаётган фидойи кишилар, шунингдек, келгуси режалар хусусида фикр юритилган.

## ИМОРАТ ҚУРАЁТГАНЛАР УЧУН

ХУДУДИ шаҳримизга туташиб кетган Тошкент тумани маркази яқинида шакли бетондан тайёрланадиган гиштлар ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир айти иморат қураётганлар учун гишт зарур бўлиб турган бир пайтда бу жойда тайёрланаётган маҳсулот кўпчиликка қўл келмоқда.

Корхона директорининг ўринбосари бахтиёр Қўчқоровнинг таъкидлашича, пойтахтимиз маҳаллалари ва мавзелиридан одамлар келиб, буюртма беришяпти. Бир доня гиштининг баҳоси бир ярим минг сўм-қулпондир. Қўлайлиги шундаки, бундай гишт билан кўтарилган иморатларни қисқа фурсатда битказиш мумкин.

Собир БОЗОРБОВ.

•Миннатдорчилик

## "САНОАТ" ЛИКЛАР ИСТАГИ

ШУ йил 25 июнда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида Президентимиз мазкур асосини ойнаб жажон орқали бизнинг "Саноат" маҳалла аҳли зўр қизқиш билан томоша қилди. Ушбу йиғилишдан сўнг шаҳар бозорлари анча эпаккага келиб қолди, ичимлик сувлари дўкон

пештахталарида яна пайдо бўла бошлади. Кун кеча маҳалламизда бўлиб ўтган фахрийлар кенгашининг йиғилиши ҳам шу мавзуга бағишланди.

Бизни ташвишлантираётган масала шуки, кейинги пайтларда бозорнинг энг яхши жойини эгаллаб олиб, деҳқонга савдо қилишга йўл

бермайдиганлар кўпайиб кетди. Деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотни "бозор деҳқонлари"га кўтарасга арзон-гаровга сотишга мажбур бўлмоқда. Чунки бундай қилмаса, уни арзон нархда сотишга йўл қўймайдилар. Баъзи ҳолларда деҳқонга бозордан жой бермаслик ҳоллари ҳам учрамоқда.

Фахрийлар кенгашининг йиғилишида "Саноат" маҳалласи оқсоқоли Фахриддин Саъдуллаев, фахрий ўқитувчи Бадриддин Тожидинов, пенсионер Рихси Қодировлар сўзга чиқиди. Бизнинг истагимиз шуки, бозор маъмурияти орган ходимлари билан биргаликда деҳқонни ва оддий фуқаронни чўш тушириш эвазига бойлик ортиратган олиб-сотарларни текшириб, уларга тегишли чоралар кўрсалар ва деҳқон ўз молини ўзи сотиш таъминласа.

Нажмиддин МУҲИДИНОВ, "Саноат" маҳалласи фахрийлар кенгаши раиси.

## ДИЛХИРАЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

КЕЙИНГИ пайтларда бозорлардаги айрим тартиб-сизиликлар, назоратнинг йўқлигидан қўлчиллигини дили хира бўлиб юрган эди. Аммо 25 июнь кўни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг бу бедодликнинг ҳам охири бориғини билди, дилим таскин топди. Маълумки, Шифокорлар шаҳарчасида кичикроқ бозор мавжуд. У Амир Темур номи маҳалланинг асосий ҳарид қилиш марказига айланган.

Шунга кўра Президентимиз мазкур асосини олиб чиққан ҳолда, ишчи ана шу бозорда тартиб ўрнатиш, тўғирроқли, уни назорат остига олишдан бошладик.

Айниқса, бозорча раҳбари ўзгаририлганидан сўнг қилинаётган ишлар меъаси кўрина бошлади. Хусусан, нарх-навоини оз бўлса-да, пасайгани кўзатилади. Чунки бозорда қайқовчиликка чек қўйилиб, растапар тўлалигича мева-сабзавот етиштирган деҳқонлар

ихтиёрига берилди. Маҳалламиз қоидада фахрийлар ва фаоллардан тузилган махсус кенгаш бозордаги аҳволни тез-тез назорат қилиб бориб, фақат тегишли рухсатнома билан шаҳаргагина тижорат билан шугулланиш мумкинлиги таъминланди.

Бундан ташқари, чанқовбосди ичимликлар билан савдо қилувчиларга алоҳида назорат ўрнатилиб, санитария-гигиена қоидаларига жавоб бермайдиган

ҳоллар тугатилди. Айниқса, сўм-қулпонинг миллий пулини бўлган сўм билан мингга бир нисбатда вақтинчалик ёнма-ён юришини ҳам эътибордан қочқирмаёмиз. Менимча, ҳар бир маҳалла ўз худудиди савдо-сотик марказига тартиб ўрнатишга лозим. Ахир маҳалла оқсоқоли, раҳбар бўлиш билан бирга юқори бошқарув органининг маҳалладаги вакили ҳамдир.

Эркин ШОРАХИМОВ, Амир Темур маҳалласи оқсоқоли.



Маҳаллаларда бўлсин, хоҳ кўп қаватли уйларда бўлсин отахонларимизнинг иззат-икромни ҳаммаша жойида бўлади. Уларнинг доно маслаҳатлари билан барча маъракалар ўтказилди. Бугун ҳам маҳалла оқсоқолларидан бир гуруҳи навбатдаги тадбирнинг маслаҳатини пиширмоқдалар. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

•Газетхон илҳами

## РАЙҲОН КЕЛДИ, ЖАМБИЛ КЕЛДИ...

Ҳовлинигизга келин келди, келин келди эр-эр. Келин деманг қуёш келди, юдуз келди эр-эр. Келин билан жўнаётган гуллар келди эр-эр. Райхон келди, жамбил келди, ўсма келди эр-эр. Соҳи қора, сариқсиман, узунимкан эр-эр. Ранги очик, тузуқимкан, қаққонимкан эр-эр. Сарпарвари бутунимкан, устуғанимкан эр-эр. Қўшларига савол келди, мавзу келди эр-эр. Қайноғана маҳсин келди, қовуш келди эр-эр. Бўчаларда атлас келди, шойи келди эр-эр. Овсинларга гийбат келди, миш-миш келди эр-эр. Гийбат эмас ҳўрма келди, иззат келди эр-эр. Ҳовлинигизга келин келди, келин келди эр-эр. Келин деманг, қуёш келди, юдуз келди эр-эр.

Гулчехра ШЕРМАТОВА

•"БУЗОВЧИ"ДА МУЛОҚОТ

ЯҚИНДА Бектемир туманидаги "Бузовчи" маҳалласида "Оила-мактаб-маҳалла" мавзусида мулоқот бўлиб ўтди. Туман ҳокимининг ўринбосари Ҳайринос Мирзажонова, туман прокурори Мурод Солиҳов, маҳалла оқсоқоли Убайдулла Сарсенбоев, туман ҳақ таълими бўлимининг мудири Шоабдулла Шоаҳмедовлар сўзга чиқиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада тақомиллаштириш, қўқуқбузарлик ва

тартиббузарликларнинг олдини олиш тўғрисида гапирдилар.

Йиғилиш чоғида туманда ўсмирлар клуби йўқлиги сабабли баловатга етмаган ёшлар турли тўғраракларга қатнашолмаётганлиги таъкид қилинди. Бироқ маҳаллаларнинг фаоллари бор имкониятларини ишга солишяпти. Масалан, "Бузовчи" маҳалласида болалар бўш қолмаслиги учун уларга нововойчилик, сараторшлик, пазандачилик, тикувчилик ва бошқа касблар ўргатилмоқда.

Усмон УСМОНОВ.

•Бу нола—кимга ҳавола?

## ЙЎНАЛИШ ЎЗГАРДИ, ЛЕКИН...

ТАНСИҚБОВЕВ — 1, 2, 3 мавзелири ва Бешқўрган маҳаллаларига илгари 47-йўналишдаги автобус катпар эди. Кейинчилик унинг ўрнига 78-йўналишдаги автобусни қўйишди, аммо у фақат эрталаб ва кечқурун бир-икки марта кўринадилар, кун бўйи, дам олиш куллари эса умуман қорасини кўрсатмади. Биз қўл бор талаб қилдик, аммо бу йўналишдаги автобус қатновини яхшилаш ўрнига уни 1994 йил 21 июндан бошлаб мутасадди ташкилот раҳбарлари Қорақамчи 2/4 автостанциядан Чорсу метросига ўзгартириб

қўйишди ҳолос. Шундай қилиб бизнинг даҳада яшовчи аҳоли 2-3 километр йўлни рўзгор халталарини елкага олиб, пиеда юришга мажбур бўлмоқда. Наҳотки мутасадди ташкилотдаги ўртоқлар қарилар, ногирон ва еш болали аёллар аҳолининг кўз одиллигига келтирмасалар. Биз 78-автобусимизни ўзининг аввалги қатнов йўлига қўйиб, бу йўналишдаги автобуслар сонини кўпайтиришларини улардан илтимос қиламиз. Хўрматли "Тошкент оқшоми" газетаси таҳририяти! Бизнинг бу илтимосимиз қондирилишида ердан

беришингизни ўтиниб сўраб қоламиз. Сизларга ишонч билан Тانسикбоев—1, 2, 3 ва Бешқўрган маҳалла аҳолиси номидан:

Мансур КАМОЛОВ, Аҳмад Яссавий маҳалла оқсоқоли. Неъмат МАХМУДОВ, Тانسикбоев-1 маҳалла оқсоқоли. Забиҳилла НОСИРОВ, Тانسикбоев-4 маҳалла оқсоқоли. Маҳаммадзиз КУЛАХМЕДОВ, Аҳмад Яссавий маҳалла оқсоқоли ўринбосари.

•"Тошкент оқшоми"га жавоб берадилар

## НАЗОРАТ ОСТИГА ОЛИНДИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 18 май сониде "Шаҳримиз хуснига дег тушмасин" сарлавҳали мақола эълон қилиниб, пойтахтимиздаги Ҳамза, Чилпонор, Юнусбод, Аҳмад Икромов, Собир Раҳимов туманларидаги

маҳалла ва мавзелада ахлатлар уюми тўпланиб қолгани, улар ўз вақтида олиб кетилмаётгани таъкид қилинган эди. Тошкент шаҳар махсус транспорт ишлаб чиқариб бошқармаси бўлим мудири А. Степановдан олинган жавобда

ёзилишича, мақолада келтирилган барча далиллар тўғри деб топишган. Айни пайтда кўрсатиб ўтилган камчиликлар тугатилган. Ахлат уюмлари олиб кетилиб, ахлат тўқилмадиган жойлар бошқарманинг эксплуатация бўлими томонидан назорат остига олинган.

1994 — Оила йили

## ИНОҚЛИГИНГИЗ ЙЎҚОЛМАСИН, ОВСИНЛАР!

МАМЛАКАТ янги тўйилган гўдагини бешикка белашин билмасди. Унга овсини қўмаклашарди. Бир кун Муҳтарам меҳмондорчиликка кетиб уйга кеч қайтса, Мамлакат боласини овутолмай, ҳовлида кўтариб юрибди. У ечинмай ҳам овсинининг қўлидан гўдакни олиб ичкарига кирди.

— Узингиз таваккал белаёвермабсизда, — деди болани бешикка ётқизар экан, — тинчгина ухларди. Узингиз ҳам ором олардингиз.

— Тагин нотўғри белаб қўймай деб қўрдик, — деди у. Мамлакат онлада ўғил болалар орасида ёлғиз қиз бўлгани учун эрқароқ ўсди. Шу боис турмушга чиққач унча-мунча рўзгор юмушларини бажаришда қийналди. Бундай пайтда жонига овсини оро кирди. Заҳин ўткир экан, тез ўқиб оларди. Тушликка бирор тансиқроқ овқат қилишса, қайнонаси ёки тўсатдан келиб қолган қариндошларига:

— Мамлакатхон тайёрлаган таомдан тотиб кўрингилар, — дея унга ён босарди.

Шу зайлда Мамлакат билмаганларини ўрганди, турмуш қийинчиликларига қўниқиб борди. — Бу хонадонга янги келин бўлиб тушган пайтм эди, — дея эслайди у, — катта овсинин оиласи билан ўлиб чиқиб кетган. Уртанча овсин билан бир ҳовлида яшай бошладик. Эрталаб мен ҳовли-қўчаларни супуриб келгўнмиз, овсини чой дамлаб, нонушта тайерлаб турардилар. Ўғил-қизли бўлганимизда ҳам ўз ердاملарини амадилар. Болаларимизга апок-чапоқ яшаб, воёга етишайди. Шунинг учун бўлса керак фарзандларим опоқларини жуда яхши кўришарди.

Мамлакат янги келин бўлиб тушган кезлари умр йўдошнинг Обиджон чой устида шундай деди:

— Отам вафотидан кейин онам мени оқ ювиб, оқ тараб воёга етказган бўлса, келинкойларим опапарим қаторида бўлиб қолишган. Шундай келин бўлгани, онам уч эмас олти қизим бор, деб фахрланиб юрсилар...

Ҳақиқатан ҳам бу онладаги келинлар қизлардек аяло бўлишди.

Ҳайри ая то умрининг охиригача уларни иззат-ҳурмат қилди. Келинлар қайин эгачилари билан опа-сингиллардек иноқ яшаб келишяпти.

Овсинлар... Улар одатда ақлли, назокатли, меҳр-оқибатли бўладилар. Лекин баъзан бир томининг остида яшаб, бир қозондан овқатланиб, бир-бири билан чиққишмаган, мушкул пайтда суялмаган овсинлар ҳақида ҳам эшитиб қоламиз. Аммо пойтахтимиздаги "Янги ҳаёт" маҳалласидаги Иноятлов оиласида яшаётган уч овсин бундан истисно. Хўш, Рихсини, Муҳтарам ва Мамлакатлар иноқлигининг боиси нимада! — Менимча, меҳр-оқибатда, — деди уртанча келин Муҳтарам ая. — Аслида инсон бахтли бўлиш учун кўп нарса керак эмас. Бир ҳовлида яшаб, фаро ҳўрматда бўлишининг ўзи катта гап.

Дилдора ОРИПОВА.



## МИСР ЯНГИЛИКЛАРИ

ХАЛҚАРО МУКОФОТ  
СОҲИБИ

ЖЕНЕВАДА Президент Хусни Муборакка халқаро аҳоли мукофоти — "Гаизат Суккан" топширилди. Президент Хусни Муборак олган ушбу мукофот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳар йили давлат раҳбари, сиёсий арбоб ёки халқаро ташкилотларга нуфус масалаларига алоҳида эътибор беришда кўрсатган хизматлари учун берилди.

НЕФТЬ ЗАХИРАЛАРИ  
КЎПАЙМОҚДА

МИСР нефть вазири доктор Хадид Аб-Балбиннинг айтишича, Сувайш

кўрфазини нефть компанияларига қарашли янги конларда ениги қазиб олиш 200 миллион баррелга етиш 20 фоизга ошган. Бунга нефть конларида муҳандислик-геологик тадқиқотлари ўтказиш ҳамда ениги захиралари кам бўлган конларда янги замонавий усуллардан фойдаланиш ҳисобига эришилган. Вазирнинг фикрича, келгуси икки йилда мамлакатда нефть қазиб олиш 1700 баррелга ортади.

## БМТ ЭЪТИРОФИ

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Мисрни ноанъанавий усулларда электр қуввати олиш учун энг яхши жой деб эътироф этди. Маълумки, Мисрда шамол,

ЭЙФЕЛЬ  
МИНОРАСИДАН БАЛАНД

ИЮЛЬ ОЙИ ўрталарида Александрия шаҳрига Франция ҳукуматининг Мисрга совғаси — янги маёқ келтирилади. У

илгарилари дуненинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган, Александрияда ўрнатилган эски маёқ ўрнига ўрнатилади.

Янги маёқ 27 миллион долларга тушди. Унинг баландлиги 180 метр бўлиб, Париждаги машҳур Эйфель минорасидан юксакроқдир. Янги маёқда муҳташам ресторан ва ошхоналар мажмуаси жойлашади. Маёқ тепасидаги лазер нури Александрия шаҳрини ҳам еритиб туради.

"АШ-ШАРҚ" ЙЎЛГА  
ЧИҚАДИ

СИНАЙ ярим оролида яқин вақт ичида уч йўналиш бўйлаб қатнайдиған темир йўллар қурилишига киришади. Улардан

бири Исмоилияни Ғазо-сектори ва Иерихон шаҳри билан боғлайди. Иккинчи йўналиш эса ярим орол марказидан ўтиб, бу ердаги кон-металлургия, қишлоқ хўжалик компанияларига хизмат кўрсатади. Учинчи йўналиш Синай жанубида сайёҳларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Бу лойиҳа бўйича темир йўл қурилиши тугалланган, "Аш-Шарқ" тезюрар поездининг ҳаракати йўлга қўйилади. У Осиё қитъасини Босфор кўрфазини орқали Африка қитъаси билан боғлайди.

Магди ДАЙФ,

Миср Араб Республикасининг  
Ўзбекистондаги элчихонасининг  
ахборот бўйича маслаҳатчиси.

## Суратли ахборот

КАСБ МАҲОРАТИНИ  
ЎЗЛАШТИРИШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидagi олий милиция мактаби ва ўрта махсус милиция мактаблари республикада олийшароитли сақлаш учун ҳар томонлама баркамол, нақсон милиция ходимларини тайёрлаш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

— Олий милиция мактаби маъзур ўқув йилида бўлгуси тартиб посбонларини ўзбек ва рус гуруҳларига қабул қилади, — дейди биз билан суҳбатда олий милиция мактаби бошлигининг биринчи муовини Ринат Абдулжонич Маъдиев. — Бизда милиция ходимларига касб маҳоратини ҳар томонлама сингдириш учун барча шароитлар мавжуд. Зеро, жиноятчи тезкорлик билан очиб учун билим ва малаканинг ўзи қифоя эмас. Бу борада замонавий техника воситалари билан таъминланган ва улардан фойдалана билиш мўҳим роль ўйнайди. Бундай жиҳозлар билан бизни чет эллик ҳамкасбларимиз таъминлашмоқда. Айниқса, Франция билан алоқаларимиз мустаҳкам йўлга қўйилган. Чет эллардан келган замонавий анжомлар ердამизда ходимларимиз ўз малакаларини оширишмоқда.

Яқинда Франциядан бир гуруҳ полициячилар олий

мактабимизга келишди. Улар милиция мактабнинг ишлари билан яқиндан танишди. Ва ўзларининг қимматли маслаҳатлари, тавсияномаларини аямасди.

Бундан ташқари ўқувчиларимиз инглиз тилини мукаммал ўрганишмоқда. Чунки келажакда уларнинг иши чет эл полициячилари билан боғланган ҳолда ҳамкорликда ташкил этилади.

Милиция мактабиди юқори малакали, ўз ишнинг усталари бўлиш мутахассислар ўқув-тарбия ишларини олиб боришмоқда. Ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Зарип Зарипов ва доцент Мустафо Қодиров каби қўлбал малакали мутахассислар мустақил республикаимизнинг тиҷ-осойишта ҳаётини таъминлаш учун муносиб ходимлар тайёрлаш борасида самарали иш олиб бормоқдалар.

Дамир ИСЛОМОВ.

СУРАТДА: тезкор қидирув бўлимининг катта ўқитувчиси, ички ишлар подполковниги Андрей Коласко (ўртада) бўлажак милиция ходимларига касб сирларидан сабоқ бермоқда.

Холмат Мирзакаримов олган сурат.



## ПОСБОН ВА ШОИР

Шеърят—қалб мулки. У меҳмон бўлган юрак абадий ғузаликка ошурфта бўлади. Доимо эзгулик, яхшилик, одамийликни сатрларга тизади. Абдурашид Шодиевнинг шеърларини ўқиб, аввало унинг ўз касбияти фидойилигидан ҳушуд бўлсангиз, ҳаётдаги ҳар бир воқеаникка шонорона кўз билан қарашидан завқланасиз. Шунинг учун унинг шеърларида ўқувчининг ўзига ром этакдан илқилқиб, майинлик бор. Бугун милиция подполковниги Абдурашид Шодиевнинг шеърларини ўқиб, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

## УЧ ҲАҲРАМОН

Замин тинмай айланади меҳвариди,  
Умр елдек асаверар сарсариди.  
Куй йўқотдим, дил йўқотдим, дўст йўқотдим,  
Улар қолди содда — ашъориди,  
Инглай-инглай номин билан толди дунё,  
Ҳатто кўш нурларидан қолди зие.  
Уч алломиш, уч ҳаҳрамон ўғил эди.  
Юрагимда қолди армон, қолди дунё.

Йўқ, ҳайратим, қувончларим битгани йўқ,  
Юлдузлар ҳам бағрини тарк этгани йўқ,  
Маматкарим, Олимжону Мусоларим,  
Она юртдан олисларга кетгани йўқ,  
Учмас тарих тошларида сўзларим бор,  
Ед этгувчи эди, ўғил-қизларим бор,  
Кунлар ўтар, ойлар ўтар, йиллар ўтар  
Лек юракда муҳр бўлган нэлари бор.

## ҲАМИША СЕРГАК

Юрт тинчлигини посбони, Жоҳил, номардни тутар, Ишонган халқ вакили,  
Тинмас асло жавлонги, Сир-сирдошим миласам, Уртаниб енар дили  
Мисли кўзлар мужғони, Кўксин қалқон қилар гоҳ, Мудом авайлар элин,  
Жон-жондошим миласам, Оловларга кирар гоҳ, Кўзу қошим миласам.  
Тулар уйқусиз ўтар, Ҳамиша сергак, оғоҳ — Абдурашид ШОДИЕВ,  
Сирли тугунлар кутар, Елкадошим миласам. милиция подполковниги.

## Марат ХУДОЙҚУЛОВ.

Беш муҳаррир  
Эркин ЭРНАЗАРОВ

## ДИҚҚАТ!

"Тошкентқурилиш" корпорациясининг "Промстройиндустрия" бирлашмасига қарашли Таъмирлаш-қурилиш бошқармаси очик турарги "Таъмирлаш-қурилиш" хисдорлик жамиятига айлантирилди. Илгари тузилган шартномаларга риоя қилинади. МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри-161, Бирлик, 1-уй. Телефонлар: 76-74-58.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни  
босмахонаси. Корзона манзили:  
"Буюк Шўрон" кўчаси, 41-уй.  
Нашр кўрсатиш: 64690.

Ҳажми ~ 2 босма табак.  
Орфот усулда чоп этилади.  
Қозғ бичими - А-2.  
Газета IBM компьютерда  
термиди на саҳифаланди.  
Нашр кўрсатиш: 64690.

1 2 3 4 5 6.



Ун иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ХУ сессиясида юртбошимиз сўнги икки йил мобайнида Мустақил ҳамдустлик давлатлари ичида Ўзбекистоннинг энг барқарорлашган республика деб топилгани ва бизда уюшган жиноятчиликка қарши ички ишлар идоралари олиб бораётган курашининг самарали бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жамоатчи муҳбиримиз Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг тергов бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг катта терговчиси, милиция капитани Турсунбой Раҳматуллаев билан суҳбатлашди.

Жиноятчиликни жилавланш йўлида

ҲАР БИР  
ФУҚАРО БУРЧИ

— Турсунбой Каримович, илгарилари уюшган жиноятчилик деган ибора умуман қўлланилмас эди. Бандитизмга эса билимиз. Уюшган жиноятчилик билан бандитизмнинг фарқларини айтиб берсангиз.

— Ассан олдиндан бир неча шахслар тил бириктириб, маълум бир ўйлаб чиқилган режа асосида икки еки ундан ортқ ки-ишларнинг жиноят содир этиши уюшган жиноятчилик бўлиб, худди шундай уюшган жиноят гуруҳ аъзолари бир неча оғир ва ўта оғир жиноятларни курул ишлатиб содир этишса бу бандитизмга кириди.

— Агар сир бўлмаса айтингчи, шу бугунгача қанча уюшган жиноят гуруҳлар фаолиятини фощ этгансиз?

— Мана бир неча йилдирки, жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари билан биргаликда уюшган жиноят гуруҳлар содир этган жиноятларни фощ қилиш фаолияти билан шуғулланиб келияман. Аммо бизда жиноят ишлари очилиши кўпчилиги билан эмас, уларнинг сифати ва бошқа кўп ҳолатларига қараб баҳо берилди. Масалан, бир жиноятчи томонидан бир неча жиноятлар содир қилинган еки бир жиноятчи бир неча жиноятчи уюшган ҳолда содир қилган бўлиши мумкин. Бундай жиноятчи очиб ва фощ қилиш учун вақт керак. Жиноятчиларнинг баъзи бирлари эса жазодан қутилиб қолмиш мақсадда қочиб юришлар, уларни ушлаб келмагунча тергов муддатига қараб кўрсатмаларини олиш учун ойлаб, агар гувоҳ чет эл сафариди бўлса ҳатто йиллаб қутилишмига тўғри келади.

— Жиноят ишнинг фощ қилинишида гувоҳларнинг берган кўрсатмалари мўҳим роль ўйнаши аққол кўриниб турбди. Ҳозирги кунда гувоҳларни тергов ишига жалб қилишда қандай муаммолар мавжуд?

— Сиз гувоҳлар, яъни хайрихоҳлар тўғрисида уларни хайрихоҳ бўлиб гувоҳлик беришлари қай аҳволда, демакчиэиз. Гап шундаки, охири вақтларда ҳаттоки жабрланувчиларнинг тергов жараянида қонунида белгиланган кўрсатмалар бериши ҳам қийин бўлиб қолди.

Яқинда бир уюшган жиноят гуруҳга нисбатан жиноят ишини олиб бориқ. Жиноятчилар С. А. исми фуқаронинг ВА3-2106 русули автоуловини ўғирлаб кеттишган. Бир ойлариан сўнг жиноятчилар автоулов эгасидан 20 минг сўм олиб, бунинг эвазига машинани қайтариб беришларига тўғрисида тапшириб берди. Биз ўзинида маъжуд бўлган маълумотларни ва туман ички ишлар бошқармасидан маъжур жиноят юзасидан бирон-бир ариза тушган еки тушмаганиниги текшириб кўрдик. Автоулов эгасидан ариза тушмаганини билганимиздан сўнг жабрланувчини гувоҳ сифатида терговга таклиф қилдик, афсуски, автоулов эгаси ўғирланган автоуловни ҳақида ҳеч нима айтишни лозим топмади, товланувчиларга берган 20 минг сўм пулидан ҳам воз кечди. Жуда ажабланисан, киши. Наҳотки, тер тўкиб йиққан пулидан воз кечса, ахир ўша пайтда бу янги "Запорожен" автоуловини сотиб олиши мумкин эди-ку. Жабрланувчилар бундай ҳотамтойликлар жиноятчиларнинг жиноят жазодан осонликча қутилиб қолишларига имкон яратилиши ва жиноятчи бундан фойдаланиб кейинроқ ўта оғир жиноятларга қўл уриши мумкин-лигини наҳотки билмасалар?

Ўзингиз бир ўйланг, автобус тўла одам, аммо бир еки икки нафар ўғри бир бегувоҳ кампирнинг уй-рўзгор халтасидан кўзларини бакрайтириб охири пенсия пулини олаётганини леккомат йитилган кўриб турсаларда, юзларини бошқа еққа буриб оладилар еки ўғриларни милиция ходимлари жиноят устида ушлагилариди бундан оғоҳ бўлган кишилар гувоҳлик беришдан бош тортадилар. Ўша қари кампирнинг ўрнида ўзларининг оналари еки бувилари бўлсачи, унда ҳам улар шундай лоқайлик қилармидилар?

Хуллас, ўғрилик, босқинчилик, порахўрлик каби жиноятларнинг олдини олиш учун ҳар биримиз бир еқадан бош чиқариб ишлашимиз, ҳар қандай лоқайликларга барҳам беришимиз керак. Ўз Ватанини чин дилдан севган ҳар бир фуқаро жиноятчиликка қарши курашда жонбозлик кўрсатиши, милиция, суд ва прокуратура ходимларига бу ишда баҳоли қудрат ердан беришлари айини муддоидир. Чунки бу ишда уларнинг ўзи ҳам, жамиятимиз ҳам фақат наф қўради, холос.

Суҳбатдош Икромжон РАҲИМОВ.

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон  
Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида  
руйхатта олинган.  
Рўйхат соми ~ 10.

Манзили:  
700000, Тошкент шаҳри,  
ГСП, Матбуотчилар  
кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:  
хатлар ~ 33-29-70;  
йилон ва тижорат кабарларини  
ойлаштириш масалалари  
бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат  
кабарлари аниқ ва  
тарғибчи учун жабо-  
гарлик қарни берган  
ташвиловчи ва шикелар  
зўлмасидадир.

Нашрин етказиб бериш маса-  
ладини бўйича турар юйлар-  
даги почта бўламларига еки  
Тошкент почтаси шаҳар поч-  
та қорхонасининг фойдаланиши  
бўлимига ~ 33-74-05 телефо-  
нига мурожаат қилиниши  
мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табак.  
Орфот усулда чоп этилади.  
Қозғ бичими - А-2.  
Газета IBM компьютерда  
термиди на саҳифаланди.  
Нашр кўрсатиш: 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни  
босмахонаси. Корзона манзили:  
"Буюк Шўрон" кўчаси, 41-уй.  
Нашр кўрсатиш: 64690.